



Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азми қатъий, тадбиркор ва хушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

# XXI ASR

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Газета 2004 йил 1 январдан чика бошлаган, e-mail: axborotXXIasr@yahoo.com, web sayt: www.21asr.uz

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

2012 йил 20 декабрь, пайшанба, 51 (475)-сон



**УЧИНЧИ СЕКТОР ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ «ТАФТИШ» ДАН ЎТКАЗЯПТИ**

**3 ЖАРАЁН**



**ҚУРУҚ ВАЪДА ЭМАС, АМАЛИЙ ИШЛАР БИЛАН ИШОНЧ ҚОЗОНИШ МУМКИН**

**5 ҚУЙИ БЎҒИНЛАРДА**



**«CHEVROLET LACETTI» НИНГ ЯНГИ НУСХАСИ ИШЛАБ ЧИКАРИЛАДИ**

**8 СЎНГИ САҲИФА**

## «Аёллар қаноти»



### «АЁЛЛАР ҚАНОТИ» САФН КЕНГАЙМОҚДА

O'zLiDeP «Аёллар қаноти»нинг Марказий банк ва Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ташкил этган «Оилавий тадбиркорликдан — мустақам оилага» лойиҳасининг республика босқичида 92 нафар голиб аниқланиб, уларга тижорат банкларининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи йўланмалари топширилди

## Парламент фаолияти

### ДЕПУТАТЛАР САЙЛОВЧИЛАР «ҚАБУЛ»ДА

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Регламентининг 62-моддасига мувофиқ, парламент қуйи палатаси депутатлари ўз округларидаги сайловчилар билан учрашуларда амалдаги қонунларнинг ижросини ҳам ўргандилар

— 2012 йил якунланаётган бир пайтда ўтказилаётган мазкур тадбирларни сайловчи олдидagi кичик бир ҳисобот, десак янглишмаган бўламиз, — дейди O'zLiDeP фракцияси аъзоси Равшанжон Асқаров. — Бу галги учрашуларнинг аввалгилардан фарқи шундаки, сайловчилар қабул қилинган янги қонунлар, айниқса, «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси» талаблари асосида тайёрланган ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида имкон қадар кўпроқ маълумот беришни сўрадилар.

## 2013 йил — «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»

# O'zLiDeP Давлат дастури учун таклифлар тайёрлашга киришди

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВНИНГ КОНСТИТУЦИЯМИЗНИНГ 20 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ МАЪРУЗАСИ ВА УНДА БЕЛГИЛАБ БЕРИЛГАН УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАР АСОСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ПАРТИЯВИЙ ВАЗИФАЛАР О'ZLIDEP ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИДА ҚИЗГИН МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА

«... Эл-юртимиз нималар ҳисобидан, қандай оғир ва машаққатли кунлар, синовларни бошдан кечириб, бугунги ютуқ ва марраларга эришганини ҳолисона баҳолаб, ҳар қандай кибр-ҳаво кайфиятларига берилмасдан, оёғимиз ердан узилмасдан, эртанги ёруғ, ҳеч кимдан кам бўлмайдиган келажакимизга онгли равишда қалам қўймоқдамиз».

Андижонлик тадбиркор ва фермерлар, таниқли олимлар, ташаббускор ёшлар, фаол опа-сингилларимиз иштирок этган тадбирда Юртбошимиз маърузасида қайд этилган ана шундай фикрлар моҳияти, мазмуни ва улардан келиб чиқадиган ҳуқуқлар атрофида таҳлил қилинди. Фарғона водийсининг энг аҳолиси зич бўлган вилоятда амалга оширилган улкан бунёдкорлик ишлари яқин тарихимиздаги ҳаётлар билан қиёсланди. Ҳеч кимдан кам бўлмаган келажак сари янада далил одим ташлаш учун эса маърузада белгилаб берилган йўналишлар изчил амалга оширилиши, бунда асосий масъулият улкан ўзгаришлар жараёнини теран ҳис этаёт-

ган, тадбиркорлиги, ташаббускорлиги билан кўпчиликка ўрнак бўлаётган инсонлар зиммасига тушиши лозимлиги таъкидланди.

— Президентимиз маърузаси ҳар бир Ўзбекистон фуқаросига яқин ўтмиш билан бугунги кунимизни қиёслаш имконини берди. Дунёда, яқин атрофимизда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларни янада чуқурроқ англаш лозимлигини кўрсатди, — деди йўналишда O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Муҳаммадҷусуф Тешабоев. — Зеро, ҳар дақиқада ўзгариб турган жаҳон иқтисодиёти, сиёсий-ижтимоий макондаги воқеликлар, дунё сиёсий саҳнасидаги янгилик-янги қарама-қаршиликлар, баъзи минтақалардаги этник ва конфессиялараро тўқнашулар она Ватанимизда ҳужм сураётган тинчлик ва барқарорликнинг қадрига етиш, унинг асосларини янада мустаҳкамлаш тақозо этади. Бу эса, энг аввало, сиёсий партиялардан хушёрликни, ташаббускор бўлишни талаб этади.



# Парламент эшитуви

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА О'ZLIDEP ФРАКЦИЯСИ ТАШАББУСИ БИЛАН «2011-2015 ЙИЛЛАРДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ ЮЗАСИДАН БОШ ВАЗИР ЎРИНБОСАРИ Ғ.ИБРАГИМОВНИНГ МАЪЛУМОТИ ТИНГЛАНДИ

Маълумки, Ўзбекистоннинг ривожланган демократик давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши учун жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, жумладан, иқтисодиёт тармоқларини модернизация қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилоқда. «2011-2015 йилларда Ўзбекистон Республикаси саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги Давлат


дастури ҳам ана шу йўналишдаги ислохотларнинг муҳим таркибий қисми, таъбир жоиз бўлса, бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг ўзига хос «локомотиви» ҳисобланади. Шу маънода, O'zLiDeP фракцияси аъзолари ташаббуси билан парламент муҳокамасига киритилган мазкур масала, депутатлар таъкидлаганидек, ўтаётган йилларда амалга оширилган чора-тадбирларнинг ўзига хос са-

рҳисоби бўлди. Мутахассисларнинг фикрича, мазкур дастур 2015 йилгача қарийб 50 миллиард доллар миқдордаги 500 дан ортиқ йирик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш имконини беради. Уларнинг муваффақиятли амалга оширилиши эса мамлакат иқтисодиётини мутлақо янги босқичга олиб чиқади.

# Эзгу мақсад — ютуқларимиз гарови

## «ИНСОН МАНФААТИ, ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАШ, ҲАЁТИМИЗНИНГ ЯНАДА ЭРКИН ВА ОБОД БЎЛИШИГА ЭРИШИШ — БИЗНИНГ БОШ МАҚСАДИМИЗДИР»

Юртбошимизнинг Конституцияимизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси ана шундай номлангани бежиз эмас, албатта. Зеро, янги Ўзбекистон тарихига тамал тошини қўйган давлатимиз раҳбарининг ўтган йиллар мобайнида муҳим сана ва воқеалар, катта-кичик тадбир-



Кувондик САНАКУЛОВ, O'zLiDeP Сийёсий Кенгаши аъзоси, Сенатор

лар, турли вилоятларда турли соҳа вакиллари билан юзма-юз мулоқотлари давомида кутлуг ният,

олийжаноб мақсад, азалий қадриятларимизни алоҳида тилга олиш яхши аънамага айланган. Тарих учун ўта қисқа муддат — 20 йилда мамлакатимизда эришилган улкан муваффақиятларнинг бош омиси аввал бошдан тўғри йўл танлангани, эндиликда жаҳон иқтисодиётида «Ўзбек модели» сифатида тан олинган ўзига хос тараққиёт дастурига изчил амал қилинаётгани бўлса, иккинчидан, халқимизнинг эртанги кунга бўлган юксак ишончидир.

## БУГУНГИ СОНДА

Хоразмда кичик бизнес субъектларига ажратилган сармоялар 2011 йилнинг айна даврига нисбатан 1,4 баробарга ошиб, 185 МЛРД. СЎМни ташкил этди. Ушбу маблағ эвазига вилоятда 14 МИНГДАН зиёд янги иш ўрни яратилди.

**4**

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЯҒОНА ТИЗИМГА УЛАНДИ

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан Миллий матбуот марказида ташкил этилган «Олий таълим тизимида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш» мавзусидаги матбуот анжуманида, ўтган даврда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш юзасидан амалга оширилган ишлар, «Миллий электрон таълим» тизими лойиҳаси доирасида белгиланган вазифалар ҳусусида атрофлича маълумот берилди. Тадбирда мазкур лойиҳанинг биринчи босқичида олий таълим тизимидаги 80 та уланиш нуқтаси оптик-толлари тармоқ мажмуасига қўшилгани, иккинчи босқичида эса 84 та нуқта уланиб, фойдаланишга топширилиши режалаштирилётгани таъкидланди. — Ана шу саъй-ҳаракатларимиз туфайли оптик-толлари алоқа каналларининг юқори тезликдаги, ягона электрон таълим тармоғи вуқудга келди, — дейди Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўринбосари Шухрат Қайумов. — Натижанда олий таълим муассасалари талабалари, шунингдек, ва профессор-ўқитувчилар электрон кутубхоналарига жойлаштирилган ўқув қўлланмалардан масофадан турган ҳолда фойдалана бошладилар.

## Жараён

# Фарғонада ислохотлар изчиллиги таъминланаяпти

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ ҚАРИМОВ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ СЕССИЯСИДА ИШТИРОК ЭТИБ, ХУДУДДА БАРҚАРОР ЎСИШ СУРЪАТИ ТАЪМИНLANAЭТГАНИ, ЯЛПИ ХУДУДИЙ МАҲСУЛОТ ҲАЖМИ 2000 ЙИЛДАГИГА НИСБАТАН 1,7 БАРОБАР ОШИБ, ЖОРИЙ ЙИЛДА ВИЛОЯТ ИҚТИСОДИЁТИДАГИ ЎСИШ 106,7 ФОИЗ АТРОФИДА БЎЛИШИ КУТИЛАЭТГАНИНИ АЛОҲИДА ТАЪКИДЛАДИЛАР

Айни пайтда «водий гавҳари» дея тилга олинаётган Фарғонада ҳақиқатан ҳам амалга оширилаётган ислохотлар салмоқли натижалар бермоқда. Айниқса, аграр тармоқ, саноат ва хизмат кўрсатиш тизимидаги ютуқлар, тадбиркорлик ва фермерликнинг қўллаб-қувватланиши ҳар бир кишини беҳад қувонтиради.





# ЖАРАЁН

## Фарғонада ислохотлар изчиллиги таъминланаяпти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**Бундан ташқари саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 2000 йилдагига нисбатан 1,5 баробар кўпайган. 2012 йилда тўқимачилик, озиқ-овқат ва пойафзал маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган 23 та корхона тижорат банклари балансига олиниб, уларга 130 млрд. сўмдан зиёд сармоя киритилган.**

**Президентимиз нутқида энгил саноат соҳасини ривожлантиришга, хусусан, кейинги 5 йилда мазкур соҳада 91 млн. АҚШ доллари қийматидаги 12 та лойиҳа амалга оширилганига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.**

**О'zLiDeP фаолларининг фикрича, сессияда иқтисодиётда тобора етакчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлиги бежиз таъкидланмади. Зеро, ишлаб чиқаришга инвестиция киритиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, мамлакатимизда қулай ишбилармонлик муҳитини яратиш, шубҳасиз, инсон, унинг манфаати ва фаровонлигини таъминлаш, обод турмуш шароитларини яратишнинг мустаҳкам заминидир.**



**Барно АБДУЛЛАЕВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, О'zLiDeP фракцияси аъзоси


— Президентимиз Ислам Каримовнинг халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги фикрлари водий аҳлининг гурур ва ифтихорини кўтариши билан бирга маҳаллий давлат бошқаруви ва вакиллик органлари олдида турган вазифаларни яна бир бор қайта кўриб чиқиш лозимлигини ҳам кўрсатди.

Чиндан ҳам бугун Фарғонада саноат, қурилиш, қишлоқ

хўжалиги тармоқларида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, қишлоқларда замонавий уйлар барпо этиши, аҳоли бандлигини таъминлаш, шунингдек, ижтимоий соҳаларда салмоқли натижаларга эришилмоқда. Жорий йил якуни бўйича вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 106,7 фоиз, жумладан, қишлоқ хўжалигида 107,5 фоиз, хизматлар бўйича 117,2 фоизни ташкил этиши,

пудрат ишларида эса 12 фоиз ўсишга эришилгани кутилаётган. Аммо ана шундай натижаларга қарамай, жойларда ечимини кутаётган муаммолар ҳам мавжудлиги сессияда алоҳида қайд этилди. Бу энг аввало қишлоққа саноатни олиб кириш, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар сонини кўпайтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг сигналналган усули — оилавий бизнесни ривожлантириш ва шу орқали аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларида кўпроқ кузатилаётган. Бу борада вилоятда хом ашё ва меҳнат ресурслари етарли даражада. Худуднинг иқтисодий салоҳиятидан унумли фойдаланиш, истиқболли лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этиш эса давлат ҳокимияти органлари қатори О'zLiDePнинг жой-

лардаги вакилларидан ҳам алоҳида фоалиятни талаб этади. Маълумки, партияимиз фаолиятининг илк кунлариданоқ ислохотлар самараси учун масъул эканлигини маълум қилганмиз. Шу маънода мажлисда ўртага ташланган долзарб масалалар аввало, ҳудудий кенгашлар ҳудудлардаги депутатлик гуруҳларида ўрганилиши ва шу асосида маҳаллий кенгаш сессиялари киритилиши керак. Чунки депутатлар гуруҳлари ўша ҳудуддаги ижтимоий-иқтисодий аҳволни ҳаммадан кўра яхшироқ билади. Бунинг учун эса партияимизнинг ҳудудлардаги таъсир доирасини янада кенгайтириш, депутатлик гуруҳларининг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'zLiDeP фракцияси билан ҳамкорлигини кучайтириш талаб этилади.



**Рахматулло КАМОЛОВ,**  
О'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши раиси

— Юртбошимиз маърузасида билдирилган фикр-мулоҳазалар бутун вилоят аҳли, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини янги лойиҳаларни ҳаётга таъбиқ этишга ундайдиган муҳим омил бўлиши баробарида О'zLiDeP зиммасига ҳам жуда катта вазифаларни юкляди, десам муболага бўлмайди.

Зеро, маърузада иш билан банд аҳолининг салкам 80 фоизи айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётгани, бу эса тармоқнинг нақадар катта имкониятларга эга эканидан

далолат бериши, бундай ўзгариш мамлакатимизда ўрта синфни шакллантиришда беқисс аҳамиятга эга экани бежиз таъкидланмади. О'zLiDeP эса мулкдорлар манфаатини ифода этаётган сиёсий куч сифатида кичик бизнес вакиллари фаолияти, уларнинг ривожланиши учун ўзини доимо масъул ҳисоблайди.

Шу боис ҳам депутатлик гуруҳимиз маърузада тилга олинган ҳаётий масалалар, хусусан, фермерлар ва ишбилармонларнинг фаолият юритиши учун янада қулай шароит яратиш, экан май-

донларининг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, қўшма корхоналар сонини кўпайтириш мақсадида хорижий инвестицияларни жалб этишга кўмаклашиш, аҳолига кўрсатилаётган маданий-маиший, сервис, тиббий ҳамда алоқа хизмати сифатини ошириш, ёшларни иш билан таъминлаш масалаларида тақдирлар таъбирлашга кириши. Яқин кунларда депутатлик гуруҳининг бу борадаги чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилади.

Бир сўз билан айтганда, «Мустаҳкам оила йили»да эришилган натижалар асосида тадбиркорларимиз янги — «Обод турмуш йили»да янада улкан режаларга қўл урадилар. Улар томонидан замонавий бино ва иншоотлар, ўқув муассасалари, спорт-соғломлаштириш мажмуалари қуриб, фойдаланишга топширилади. Бунинг учун эса О'zLiDeP электорат вакиллари янада қулай шароитлар яратишига бош-қош бўлади.



**Зулфия МАМАЖОНОВА,**  
халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгаши депутати, О'zLiDeP Кўкон шаҳар кенгаши раиси

— Айни кунда мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Фарғонада ҳам замонавий бинолар бунёд этилиши, янги корхоналарни ишга тушириши, иш ўринларини яратишдек хайрли ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Бундай ўзгаришларнинг амалий натижасини Кўкон шаҳрида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, кейинги икки йилда амалга оширилган қурилиш ва ободонлаштириш ишлари натижасида шаҳар қиёсаси тубдан ўзгариб. Кўкон юртимиздаги энг гўзал ва замонавий шаҳарлардан бирига айланди.

Аmmo шунга қарамай сессияда ҳали ечимини кутаётган масалалар ҳам мавжудлиги тилга олинди. Хусусан, барча ҳудудларда қўшма корхоналар сонини кўпайтириш, ана шу асосда янги иш ўринлари ташкил қилини, одамларни доимий даромад манбаи билан таъминлаш масалаларида алоҳида эътибор қаратилди. Бу борада Кўконда ҳам яқин тажриба шаклланди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даврида ҳудудий дастур асосида 8593 та янги иш ўрни яратилиб, унинг 3741 таси аёлларга мўлжалланди. Бунда «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши алоҳида аҳамият касб этганини таъкидлаш жоиз. Шу ўринда Юртбошимиз маърузасида белгилаб берилган вазифалар нафақат маҳаллий ҳокимият органлари, балки сиёсий партияларнинг жойлардаги вакиллари зиммасига ҳам жуда катта масъулият юклатганини таъкидлаш зарур. Шу маънода халқнинг ишончли вакили сифатида сайланган депутатлар маҳаллий кенгашлар ва икром эътибор ҳокимият органлари билан ҳамкорликда фуқароларимиз фаровонлиги йўлида фаолият юритиши, мавжуд муаммоларни ҳал этишда жамоатчилик назоратини янада кучайтиришлари лозим, албатта.

### Авазбек РАҲМОНОВ, Бувайда тумани ҳокими:

— Маълумки, Фарғона республикаимизнинг хом ашё захиралари ва меҳнат ресурсларига бой ҳудудларидан саналади. Бу вилоят иқтисодий салоҳиятини янада ошириш, иқтисодиётнинг барча жабҳаларида саноатни ривожлантириш имконини янада кенгайтиради. Айни пайтда Бувайда туманида 198 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилиб, уларнинг қўлига 65 фоиздан ортиқ таъбиқ этилган. Янги авлод вакиллари иш билан таъминлаш, касб-ҳунарга йўналтириш учун эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари сонини кўпайтириш лозим. Бугун туманимизда 1741 та тадбиркорлик субъекти бўлиб, уларнинг 87 таси жорий йилда ташкил этилди. Худудда англаялик ва туркиялик ҳамкорлар иштирокидаги 2 та хорижий корхона фаолият юритмоқда. Аммо туманининг бой ресурсларидан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи, хўжалик буюмлари тайёрловчи минифабрикалар ва цехлар очилиши имкониятларидан ҳозиргача талаб даражасида фойдалана олмаётимиз. Ваҳоланки, бунинг учун барча шароитлар етарли. Президентимиз маърузасидан кейин бу борада қатор истиқболли лойиҳалар устида иланиб, хорижий инвесторларни жалб этиш чораларини ишлаб чиқаяпти. Маърузада одамлар, айниқса, ёшлар тақдирини, келажагини ҳал қиладиган бу масалага эътиборни кучайтириш, шу ишга мутасадди бўлганлар масъулиятини ошириш, бир сўз билан айтганда, бундай долзарб масала доимий равишда кун тартибда туриши зарурлиги ҳақидаги фикрлар билдирилгани бизни янада фаолроқ ишлаш, олимизда турган вазифаларни изчил бажаришга ундайди, албатта.

### Икромали ХОЛМУРОДОВ, Фарғона вилоят Фермерлар кенгашининг раиси:

— Халқ депутатлари Фарғона вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида мустақиллик йилларида ҳудудда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларига юқори баҳо берилганидан барча қатори мен ҳам мамнун бўлишим. Меҳнаткаш ва ор-бунёдчи юртдошларим сафида борлигимдан, қишлоқ ва шаҳарларимизнинг бутунги кўрку таровати, хонадонларимиз тўқинлиги, дастурхонларимиз файз-баракасига камтарона ҳисса қўшаётганимдан гурурдиман. Эришилган ютуқлар ўзимизники, албатта. Лекин ҳал этишимиз лозим бўлган камчиликларимиз ҳам талайгина. Хусусан, сессияда алоҳида таъкидланганидек, имкон борича кўпроқ ҳосил олашим, деб ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, алмашлаб экинни самарали ташкил этиш ишларини аччайин эътибордан четда қолдирдик. Натижада экин майдонларининг катта қисмида шўрланиш даражаси ортиб кетди. Демак, юқори ҳосил олиш учун мўътадил ерларга нисбатан икки баробар кўп меҳнат қилишга тўғри келяпти. Бу эса охири-оқибат маҳсулот таннарихига, фермерлар даромадларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Сессияда асосли танқид қилинганидек, етарлича маблағ ажратилаётганига қарамай, айрим туманлар мутасаддилари улардан оқилона ва унумли фойдаланиш ўрнига, ишни пайсалга солиб, мавжуд ресурслардан етарлича фойдаланмаётдилар. Очингани айтганда, бундай ҳолатнинг юзга келишига биз — фермерлар ҳам айбдор эканлигини тан олиш лозим. Базан юз-хотирчиликка бориб, қўнғилбушлик қиламиз, базан ернинг ҳақиқий эгаси сифатида унинг ҳолати учун масъул эканлигини тўла ҳис этмаймиз. Ваҳоланки, бу ерлар бир-икки йил фойдаланиш учун эмас, ҳатто фарзандларимизга мерос қилиб қолдиришга ҳам бўлган ваколат билан берилган. Сессияда билдирилган мулоҳазаларни фермерлар кенгаши йиғилишларида батафсил муҳокама қилиб, йўл қўйилган ҳато ва камчиликларни бартараф этишни режалаштиряймиз. Зеро, вилоятимиз ҳокими, соҳа мутахассислари, ваколатли идораларнинг масъуллари иштирокида юзга келган ҳолатни ўнгилаштириш мақбул йўллариини излаб топиш — олимизда турган энг муҳим вазифалардандир.



## «Аёллар қаноти» сафи кенгаймоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

### Наргиза КАҲҲОРОВА, «XXI ASR»

Маълумки, айни пайтда 170 мингга яқин маслақлошми бирлаштириб турган О'zLiDeP аъзоларининг 39 фоизи, яъни 67 мингдан зиёдини хотин-қизлар ташкил этади. Бугун уларнинг аксарияти хусусий секторнинг турли соҳаларида иш олиб бормоқдалар. О'zLiDeP сафида аёллар сонининг тобора ортиб бораётгани ўз навбатида жамият ҳаётида опа-сингилларимиз мавқеи юксалаётганидан ҳам далолатдир.

«Аёллар қаноти» аъзоларининг таъкидлашларича, «Мустаҳкам оила» йилида ушбу бўлимга томонидан хотин-қизлар масалаларига бағишланган 3100 дан ортиқ тадбирлар, давра суҳбати ва ўқув-семинарлар ўтказилди. Уларда аёлларнинг ҳуқуқи ва манфаатларини ҳимоя қилиш, сиёсий-ҳуқуқий билимлари ҳамда фаолиятларини оширишга кўмаклашиш, юртимизда кечаётган сиёсий-иқтисодий ўзгаришларни, қонунлар ҳамда қабул қилинаётган фармон ва қарорларнинг мазмун-моҳиятини кенгроқ тарғиб қилиш, ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларида хотин-қизлар фаолиятига эришиш, улар орасидан партиянинг кадрлар захирасини шакллантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятида амалга оширилаётган чора-тадбирлар салмоқли натижалар берди, дейиш мумкин. «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳасининг якуний республика босқичида ҳам ана шу фаолият атрофида таҳсил қилинди. Унда асосан хотин-қизларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокини кучайтириш, сиёсий билимларини ошириш баробарида, уларни ислохотлар жараёнига янада кенгроқ жалб этиш, демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришдаги иштирокини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Тадбирда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Икромия қўмитаси раиси Муҳаммадсўф Тешабоев сўзга чиқиб, О'zLiDePнинг барча тузилмалари, хусусан, «Аёллар қаноти» аъзолари Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида билдирилган мулоҳазалар асосида ўз фаолиятини кучайтириши лозимлигини таъкидлади.

— Бу жараёнда Сайловдиди дастурида белгиланган вазифаларга бирламчи эътибор қаратиш, амалий тадбирларга уларнинг якуний натижаларига қараб баҳо бериш лозим, — деди М.Тешабоев. — Айниқса, аёлларимизнинг тадбиркорлик соҳасидаги фаолиятини ошириш, аниқ вазифаларни белгилаб олиш бутунги кундаги энг муҳим вазифаларимиздандир.

Анжуманда оилалар таянчи ва ишончи бўлган аёлларнинг тадбиркорлик ташаббусларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларда ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш орқали хусусий сектор фаолиятини янада ривожлантириш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш лозим.

— Бугунги йиғилишдан қўзланган асосий мақсад лойиҳа доирасини тақдирлаш билан бирга, «Аёллар қаноти»нинг 2012

чиқ бизнес ва хусусий тадбиркорлик департаменти директори Ансам Сайфуллаев. — Бундай таъбиркорликка эришишда, албатта, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган лойиҳалар алоҳида ўрин тутаяди. О'zLiDeP билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳанинг якуний босқичида ўзининг самарали бизнес лойиҳалари билан қатнашган иштирокчиларга тижорат банклари билан келишилган ҳолда имтиёзли кредитлар олишга йўлланмалар берилди. Демак,

## «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарларда жами 30 мингдан ортиқ хотин-қиз иштирок этиб, республика босқичида 92 нафар бизнес лойиҳа эгаси тижорат банкларининг махсус йўлланмаларини қўлга киритгани сафимизда тадбиркор опа-сингилларимиз сони ортиб бораётганидан далолатдир.

Йилдаги фаолиятини сарҳисоб қилиш, айрим жойларда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш, илгор вилоятлар тақдирларини омалаштириш, шунингдек, фаолиятимиз самарадорлигини замонавий усул ва технологияларни қўллаш орқали ошириш, бир сўз билан айтганда, навбатдаги устувор вазифаларни белгилаб олишдан иборат, — деди анжуманда О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Икромия қўмитаси раиси ўринбосари Муҳитаси Акрамова. — Ислохотларнинг бугунги босқичида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ролини изчил ошириш, бу жараёнда аёллар ва ёшлар иштирокини таъминлаш устувор вазифаларимиздандир. Ана шундай муҳим вазифалар ижросини таъминлашга хизмат қиладиган лойиҳаларимиз, ўйлаётганимиз ва амалга ошириш бериб, албатта, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги «Хусусий мулк ва хусусий мулкнинг қафолатлари тўғрисида»ги қонунларнинг кучга киргани эса фаолиятимизни янада жонлантиришга хизмат қилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси доирасидаги ўқув-семинарларда жами 30 мингдан ортиқ хотин-қиз иштирок этиб, унинг республика босқичида 92 нафар бизнес лойиҳа эгаси тижорат банкларининг махсус йўлланмаларини қўлга киритгани мамлакатда тадбиркор опа-сингилларимиз сони ортиб бораётганидан далолатдир. Лойиҳанинг туман ва шаҳар босқичида 231 нафар иштирокчиларнинг бизнес лойиҳаси молиялаштирилгани, жойларда 670 дан ортиқ янги иш ўринлари яратилгани ҳам аёллар тадбиркорлиги барча ҳудудларда бирдек қўллаб-қувватланаётганини кўрсатапти.

— Жорий йилда 30 та банк ва уларнинг филиаллари орқали 450 млрд. сўмдан ортиқ маблағ аёллар тадбиркорлигига йўналтирилди, — деди Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик департаменти директори Ансам Сайфуллаев. — Бундай таъбиркорликка эришишда, албатта, аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган лойиҳалар алоҳида ўрин тутаяди. О'zLiDeP билан ҳамкорликдаги қўшма лойиҳанинг якуний босқичида ўзининг самарали бизнес лойиҳалари билан қатнашган иштирокчиларга тижорат банклари билан келишилган ҳолда имтиёзли кредитлар олишга йўлланмалар берилди. Демак,

қилиб келаётган «Обод турмуш йили»да тадбиркор опа-сингилларимиз сони яна ортибди. Бу эса ҳаёлатда энг янги ўзгаришлар учун замин яратилади, дегандир.

— Республика босқичида доим бўлганимиз таъбиркорлик сифатида иш бошлаш учун ҳам маънавий, ҳам моддий имконият беради, — деди лойиҳанинг энг ёш иштирокчиси Соҳибхон Қўбидинова. — Бундай имконият учун О'zLiDeP «Аёллар қаноти»га минавтарлик билдирдиман. Чунки «Оилавий тадбиркорликдан — мустаҳкам оилага» лойиҳаси тўғрисидаги ўзгаришларимиз амалга ошириш имконини яратди. Билдирилган ишончнинг оқшан учун ажратилган 6 млн. сўмлик кредитини ишлаб чиқаришга йўналтирдиман.

Хоразмлик Насиба Бежканова эса 50 млн. сўмлик имтиёзли кредитдан фойдаланиб, ўзи рабарлик қиладиган «Саодат» фермер хўжалигидаги сонини сингиллар сонини кўпайтиришни режалаштиратганини таъкидлади.

Лойиҳада ношумариий бизнес-режаси билан кўччилик этиборини тортиб «Шокир фильм» МЧЖ раҳбари Замира Бешимова 18 млн. сўм миқдордаги имтиёзли кредит олиш имконига эга бўлди. Унинг айтишича, бизнес-режада 2D контентни 3D контентга мослаштиришни студия яратиш тўғрисида ишлари сурилган. Агар ана шу студия ишга тулса, тай-ани кино ва видео маҳсулотларини замонавий 3D форматига ўтириш имкониятини кенгайтиради.

Хулоса ўрнида шунини айтиш мумкинки, О'zLiDeP «Аёллар қаноти» томонидан ташкил этилаётган бундай тадбирлар мамлакатимиз хотин-қизларини кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка йўналтириш баробарида аёлларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини оширишга ҳам хизмат қилмоқда. Юртимизда олиб борилаётган изчил ислохотлар самараси эса уларнинг истиқболли режаларига қанот беришга хизмат қилмоқда.

# ИСЛОҲОТ

## Банк сармоялари – иқтисодиётнинг устувор соҳаларига йўналтирилмоқда


ЯКУНЛАНАЁТГАН 2012 ЙИЛДА МАРКАЗИЙ БАНКНИНГ ХОРАЗМ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАСИ ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ АНИҚ МАҚСАДЛАРГА ЙЎНАЛТИРИШ, ПУЛ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ УЧУН БАРЧА ИМКОНияТЛАрдАН ФойДАЛАНМОҚДА

Шахзод НАЗАРОВ,  
«XXI ASR»

Таъкидлаш жоизки, айти пайтда тижорат банклари томонидан ажратилаётган кредит маблағларининг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш учун йўналтирилмоқда. Жорий йилнинг 10 ойи давомида барча молиялаш манбалари ҳисобидан кичик бизнес субъектларига ажратилган сармоялар 2011 йилнинг айти даврига нисбатан 1,4 баробарга ошиб, 184,2 млрд. сўмни ташкил этди. Ушбу маблағлар эвазига вилоятда 13516 та янги иш ўрни яратилди. Йил якунига қалар кредитлар ҳажмини 202 млрд. сўмга етказиш кўзда тутилган.

Маълумки, аграр тармоқ юртимиз иқтисодий тараққиётида муҳим ўрин тутди. Шу боис соҳа истиқболли билан боғлиқ вазифаларни амалга оширишга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Жумладан, жорий йилда қорвачиликни ривожлантириш учун 7484 млн. сўм, паррандачиликка 5713 млн., балиқчилик учун 1041 млн., мева-сабзавотчиликка 873 млн. сўм ҳамда асаларчилик равақи йўлида 463 млн. сўм кредит маблағлари ажратилганини алоҳида эътироф этиш жоиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва «Иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармоиши (2008 йил 19 ноябрь) асосида вилоятдаги паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналардан 23 таси тижорат банклари балансига қабул қилинган. Ҳозиргача 18 та ана шундай иқтисодий ночор корхоналарнинг фаолияти қайта йўлга қўйилиб, янги инвесторларга 44,9 млрд. сўмга сотилди ва 21,2 млрд. сўм миқдорда инвестиция киритилди. Натигада фаолият қайта тикланган корхоналар томонидан 18,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди. Қолаверса, 2,4 млн. АҚШ доллари миқдордаги маҳсулот четга экспорт қилинган ва 790 киши доимий иш ўрнига эга бўлган ҳар қанча таҳсинага лойиқдир. Банклар балансида олинган корхоналар асосан пойафзал, мева концентрати, ип-калага, трикотаж буюмлари, қишлоқ хўжалиги техникалари учун эҳтиёт қис-



Хоразм вилоятида 2009 йилда 60 та, 2010 йилда 530 та, 2011 йилда 570 та барча қулайликларга эга бўлган уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилганлиги эътирофга лойиқдир.

лар ва паррандачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, техник хизматлар кўрсатиш ва бошқа соҳаларга иxtисослашган бўлиб, улар иқтисодий жиҳатдан тобора юқори натижаларга эришмоқда.

Сўзимиз исботи сифатида Урганч шаҳридаги «Darital Shoes» кўшма корхонасини олайлик. ТИФ Миллий банк балансига қабул қилинган мазкур корхона пойафзал ишлаб чиқаришга иxtисослашган бўлиб, янги инвестор бирлари тўғрисида», «Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турлари ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлар аҳамияти ҳам учрашулардаги асосий масалалардан бўлди. Сайловчилар ҳозирги кунда фермер хўжаликлари кўллаб-қувватлашга қаратилган катта эътибор — яратилаётган солиқ имтиёзлари, банк кредитлари, лизинг хизматлари, моддий-техник таъминот, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш имкониятларини қайта эътибор, Фермерлар кенгашлари тузилганини мамнуният билан таъкидлашди. Бундан ташқари, қисқа давр мобайнида намунавий лойиҳалар асосида замона-

«Коттон текс» кўшма корхонаси томонидан сотиб олинган эди. Корхонани модернизация қилиш, техника ва технология жиҳатдан янгилаш учун 300 млн. сўм ва 200 миң АҚШ доллари миқдорда маблағ киритилди. Айти кунда бу ерда ишлаб чиқариш қатъий йўлга қўйилган бўлиб, 157 киши фойдаланувчи билан таъминланган. 2012 йилнинг ноябрь ҳолатига жами 3,6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришди, шундан 1,2 млрд. АҚШ доллари миқдордаги маҳсулот экспорт қилинди.

Ҳозирги кунда вилоятда тижорат банкларининг 47 та бўлим ва филиаллари мавжуд бўлиб, улар миқдорларга намуналий хизмат кўрсатаётти. Бундан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар беҳад мамнун. Маълумки, банк хизматлари орасида электрон ҳисоб-китобнинг қулай ва ишончли воситаси ҳисобланган пластик картчалар алоҳида ўрин тутди. Жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига вилоят тижорат банклари томонидан муомалага чиқарилган пластик картчаларнинг умумий сони 390,8 миңтадан ошди. Корпоратив картчалар миқдори эса 1041 тани ташкил этмоқда. Яна шунини таъкидлаш жоизки, жойларда 15 та банкومات, 26 та инфокиоск, 319 та ридер мосламаси ва 5560 та терминаллар ўрнатилган бўлиб, улар ҳам чакана савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектлари мушкулдини осон,

огирини енги қилмоқда. Айти пайтда республикамизнинг барча ҳудудларида бўлганидек, Хоразмда ҳам қўллаб-қувватлашга эришилди. Мақсад аҳолини, айтиқса, ёш оилаларни уй-жой билан таъминлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашдан иборатдир. Ҳозирда тижорат банкларининг ўз маблағлари ҳисобидан Урганч шаҳар, Ал Хоразмий кўчасида 9 та қўп қаватли уй-жой бинолари ва 1 та банк биносини барпо этиш ишлари жадаллик билан олиб борилаётган. Иншоотларнинг жами қиймати 60,6 млрд. сўмни ташкил қилади. Шу ҳисобдан тижорат банклари томонидан пудрат ташкилотларига 41,1 млрд. сўм ва кредит ҳисобидан 6,2 млрд. сўм миқдорда маблағ ажратилган.

Белгиланган режага мувофиқ, Хоразм вилоятида 2009 йилда 60 та, 2010 йилда 530 та, 2011 йилда 570 та барча қулайликларга эга бўлган уй-жойлар қурилиб, ўз эгаларига топширилганлиги эътирофга лойиқдир.

Буларнинг ҳаммаси Хоразмнинг ёрқин келажаги, истиқбол йўлидаги далил қадамларидан далолат беради, албатта. Бошланган хайрли ишларни одалом эттириш, банк сармояларидан умумий фойдаланган ҳолда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хизмат сифати ва маданиятини янада ошириш галдаги асосий масалалардир.

## Учинчи сектор қонун лойиҳаларини «тафтиш»дан ўтказаяпти

2006 ЙИЛИ 150 ДАН Ортиқ НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР ТАШАББУСИ БИЛАН ТАШКИЛ ЭТИЛГАН ЎЗБЕКИСТОН НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ МИЛЛИЙ АССОЦИАЦИЯСИ АЙНИ ПАЙТДА 400 ДАН Ортиқ ННТЛАР БОШИНИ ҚОВУШТИРГАН ҲОЛДА ФАОЛИЯТ ОЛИБ БОРМОҚДА

Акбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI ASR»

Хўш, якунланаётган «Мустаҳкам оила йили»да ассоциация томонидан қандай ишлар амалга оширилди? Келгусидаги долзарб вазифалар нималардан иборат?

Мухбиримиз ана шундай саволлар билан ассоциация директори Дилшод Отабоевга мурожаат қилди.

— Айти пайтда ўз имкониятларимиздан келиб чиқиб, асосий эътиборни аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган дастурларни рўйбега чиқаришда ННТлар иштирокини кенгайтиришга, оилаларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, шунингдек, бошқа фуқаролик институтлари билан ижтимоий шерикликнинг самарали механизмни янада такомиллаштиришга қаратилган ишларни қишлоқ врачлик пунктлари орқали қучайтиришга жиддий аҳамият берилмоқда. Хусусан, Қорақалпоғистонда навалар билан болалар саломатлигини сақлаш мақсадида Шуманай, Кегейли, Хужайли, Чимбой, Қораўзақ, Амурдаёв ва Нукус туманларида 2 кунлик семинарлар ташкил этилди. Фаргона, Андижон ва Наманган вилоятларида ўтказилган талбирларда эса оилани тиббий маданият даражасини ошириш ва соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масалалари юзасидан кўпроқ фикр юритилди. Энг муҳими, «учинчи сектор» томонидан илгари сурилаётган ташаббуслар маҳаллий ҳокимият органлари томонидан қўллаб-қувватланаётгани муҳокамалар киритилаётган масалалар ижросини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Маълумки, ассоциация ўтган йили халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда демократик ислохотларни чуқурлаштиришга қаратилган йирик лойиҳаларни амалга оширган эди. Жорий йилда бу борда қандай натижаларга эришилди? — Истиқболли лойиҳаларни ҳаётга изчил таътиқ этиш, шубҳасиз, ҳар биримиздан алоҳида масъулият талаб этади. Шунингдек, тугиб, ҳудудлардаги ресурс марказлари фаолиятини янада жонлантиришга ҳаракат қилаётимиз.

Улар орқали эса Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалари координатори, Европа Иттифоқи комиссияси, Европа Уйи, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Тараққиёт Дастури, ЮНИСЕФнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Жаҳон банки билан қўллаб-қувватлаш ҳаётга таътиқ этилмоқда. Хусусан, Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти билан ҳамкорликда «Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси салоҳиятини ошириш» лойиҳасининг 2-босқичи доирасида ННТларга умумий қиймати 25 млн. сўм миқдордаги грантлар ажратилди. Айти пайтда лойиҳанинг учинчи босқичи бўйича келишувлар олиб борилаётти. Шу билан бирга Словениянинг «Минтақавий мулоқот» (Регионалий диалог) нодавлат ташкилоти ҳамкорлигида ассоциацияга аъзо бўлган 120 та ННТ учун лойиҳа талабномаларини тайёрлаш, маблағ жалб этиш ва лойиҳани бошқариш бўйича тренинглари ташкил этилаётти.

Бир сўз билан айтганда, ассоциациямиз фаолияти доираси тобора кенгайиб бораётти. Асосий мақсадимиз ННТларни мамлакатимизда амалга ошириладиган демократик жараёнларга фаол жалб этиш, ижтимоий аҳамиятга моллик дастурлар ҳамда лойиҳаларни амалга оширишда улар мавқени янада мустаҳкамлаш ва шу орқали жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишдан иборат.

## Депутатлар сайловчилар «қабули»да

Давоми. Бошланғичи 1-саҳифада

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI ASR»

Хусусан, электрорат вакиллари «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида», «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида» ва «Ўзбекистон Республикасининг ташқи сийёсий фаолияти Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қонунларга кўпроқ қизиқиш билдиришти.

вий уй-жойлар қурилиши, қўллаб-қувватлашга қаратилган катта эътибор — яратилаётган солиқ имтиёзлари, банк кредитлари, лизинг хизматлари, моддий-техник таъминот, ишлаб чиқариш инфратузилмасини такомиллаштириш имкониятларини қайта эътибор, Фермерлар кенгашлари тузилганини мамнуният билан таъкидлашди. Бундан ташқари, қисқа давр мобайнида намунавий лойиҳалар асосида замона-

ров. — Улар ҳар бир ҳудудда олиб борилаётган қурилиш ва ободончилик ишлари хусусида таътиқлаш, 2013 йилнинг мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши замирида катта маъно ва мазмун мужассам эканига эътибор қаратилди.

рилиши муносабати билан бу жараённинг ташкилий жиҳатлари билан қизиқиб, асосан мева-сабзавот йўналишидаги фермер хўжалиқларининг қандай истиқболга эга экани хусусида депутатларга мурожаат қилишди.

## Энди сотилмайди ҳам, отилмайди ҳам

Сир эмас: ҳар гал Янги йил байрами арафасида пиротехника буюмлари сотувчилари фаолияти кескин жонланади. Шу боис боқовончиликнинг томонидан олиб бориладиган чора-тадбирлар, энг аввало, ана шу «иллат»га қарши туриш, пиротехника маҳсулотлари мамлакатимизга ноқонуний келтирилишининг олдини олишга қаратилмоқда. Мутахасссларнинг фикрича, якунига етган йилнинг ўтган 11 ойида 60 та ана шундай қонунбузарлик ҳолати кузатилган. Натигада 7 миң донага яқин пиротехника буюмларининг ноқонуний олиб ўтилганига чек қўйилди. Утган йилнинг айти даврида бу кўрсаткич салкам 49 миң донага ташқил этган эди.

Жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси боқовона боқармаси ходимлари томонидан «Довут ота» чегара боқовона постиди фуқаро Б.Атажонов 25 дона пиротехника воситаларини олиб ўтаётганини кузатишди. Шунингдек, «Бейна-Кўпирот» йўналишидаги йўловчи поезидида фуқаро Н.Хованжонов ҳам қорақалпоғистонлик боқовончилар қаринсидида ер чиқиб қолди. Чунки унга тегишли юклар боқовона кўрғини ўтказилганда, 3 турдаги 111 дона пиротехника воситалари борлиги маълум бўлди.

Андижон вилояти Кўрғинтепа туманининг чегара ҳудудида ҳам Хитойда ишлаб чиқарилган, жами оғирлиги 10 кг. ни ташқил қилувчи «Фонтан» номли пиротехника воситалари ушлаб қоллинди.

Давлат боқовона қўшмаси матбуот хизмати

## БУХОРОДА ЁШЛАР БАЙРАМИ

Бухорода «Камолот» ЕИХ ташаббуси билан «Ватан тараққиётига меннинг ҳиссам» умумий шiori остида ўтказилган ёшлар фестивалида вилоятнинг ўқинида ва жомоат ишларида илгор, нешқадим йиғит-қизлари иштирок этишди. Вилот мусиқали драма театри фойесида фестиваль доирасида ташқил этилган кўргазма кўпчиликнинг диққатини қонсиз жалб этди. Талаба ёшлар томонидан тайёрланган турли маҳсулотлар, лойиҳа ва ишланмалар, ҳунармандчилик буюмлари ва бошқа ижод намуналари фестивал иштирокчилари томонидан алоҳида эътироф этилди.



ДЎСТИК ТУМАНИ МОЛИЯ БЎЛИМИДАГИ бошланғич ташкилот аъзолари тadbirkorлар учун яратилган имтиёзлар моxиятини кенгроқ тарғиб қилиш масалаларини муҳокама этдилар. Tadbirkor яқинда 3 нафар ходим партия аъзоллигига қабул қилинди.



«ЎЗБЕКИСТОН ДЕМОКРАТИК ЖАРАЁНЛАР ЙЎЛИДА» — O'zLiDeP вилоят кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган тadbirkor ана шундай номланди. Унда маҳаллий кенгашлар депутатлари ҳамда БИТ фаолларига демократик ислохотлар самараси юзасидан кенг маълумотлар берилди.



О'ZLIDEP УРГУТ ТУМАН КЕНГАШИДА «Бошланғич партия ташкилотлари фаолияти самарадорлигини ошириш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда тарғибот-ташвиқот ишларини янада яхшилаш масалалари муҳокама қилинди.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

51 (475)-сон

e-mail: axborotXl@asr.uz, web sayt: www.21asr.uz

2012 йил  
20  
декабрь,  
пайшанба

## Кучли кўйи бўғин кучли партия деганидир

АГАР БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ЎЗ ФАОЛИЯТИНИ ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТИ НУҚТАИ-НАЗАРИДАН ОЛИБ БОРМАСА, ЎША ҲУДУДДА ПАРТИЯНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА АМАЛГА ОШМАЙДИ



Маърузада обод ҳаётни таъминлашдаги энг муҳим вазифалардан бири сифатида бандлик масаласини ечиш, кичик бизнес ва хусусий тadbirkorлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги бежиз тилга олинмади.

Зиёдулла МЎМИНОВ, «XXI ASR»

— Ўтган йилларда БПТлар ўз атрофида 700 га яқин аъзони бирлаштирган бўлса, бугун 32 та бошланғич ташкилот сафида 800 га яқин O'zLiDeP аъзоси иш олиб бормоқда, — дейди Куйичирчиқ тумани кенгаши раиси ўринбосари Эркин Турагалов. — Аъзоларимиз сонининг ортиб бориши сифатта ҳам таъсир этмоқда. Масалан, туман электр тармоқлари корхонасида 70 дан ортиқ ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Корхонада БПТ ташкил этилганда унга 15 га яқин аъзо бирлашган эди. Ҳозирда улар сони 50 дан ортиқдир.

— Аъзоларимизнинг аксариятини 30 ёшгача бўлган йигит-қизлар ташкил этади, — дейди электр тармоқлари корхонасидаги БПТ раҳбари Илҳом Жўраев. — Энг муҳими, ёшларнинг ўзлари бир-бирларини O'zLiDeP сафига торғмоқдалар. Корхонага келган олий маълумотли ёки касб-хўнар коллежларини тугат-

ган ёшлар ҳам секин-аста сиёсий жараёнга қўшилмоқдалар. Ҳа, чиндан ҳам Куйичирчиқда ёш партия аъзолари сони ортиб бораётгани тўғрисидаги фикрлар бежиз айтилмапти. Озода Рустамова ҳам шундай ёшлардан. У Дўстобод Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хўнар коллежини тугатган, туман фермерлар кенгаши ҳузурини ривожлантириш маркази-га ҳисобчи бўлиб ишга кирди. Марказ фермер хўжалиқларига бухгалтерия хизматини кўрсатишга унинг иштироки билан тугатган. Унда 7 нафар маҳаллий ёшлар 100дан ортиқ фермер хўжалиқларига ёрдам кўрсатади.

— Марказимизда ҳам 6 кишидан иборат бошланғич ташкилот тузилган, — дейди Озода. — Масалан, ўзим партиянинг мақсади билан танишиб, унга аъзо бўлганман. БПТнинг таъсис йилигида жамоат ишларида иштирок этишга қўйилган талабларни аниқлашга кўмаклашдик. Агар сарҳисоб қилсак, жорий йилда туман бўйича 100 дан ортиқ ёшларни ишга жойла-

шди. Агар сарҳисоб қилсак, жорий йилда туман бўйича 100 дан ортиқ ёшларни ишга жойла-

шди. Агар сарҳисоб қилсак, жорий йилда туман бўйича 100 дан ортиқ ёшларни ишга жойла-


шди. Агар сарҳисоб қилсак, жорий йилда туман бўйича 100 дан ортиқ ёшларни ишга жойла-

## Қуруқ ваъда эмас, амалий ишлар билан ишонч қозониш мумкин

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ ФАОЛИЯТИНИ ДАВР ТАЛАБЛАРИ ДАРАЖАСИДА ТАШКИЛ ЭТИШ УЧУН БИЛИМДОНЛИК ВА ТАШАББУСКОРЛИКНИНГ ЎЗИ ЕТАРЛИ ЭМАС. ФАҚАТ АМАЛИЙ ИШЛАР ОРҚАЛИГИНА ПАРТИЯ ҲАМДА БИТ ҚУВВАТЛАГАНЛАР ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНИШ МУМКИН

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI ASR»

Қашқадарёлик фаоллар ана шу масъулиятни теран ҳис этиб, партиянинг дастурий ғоя ва мақсадларини жойларда кенг тарғиб қилишга интилоқдалар. Бир неча ой олдин Талимаржон шаҳарчасидаги «Сувоқова» корхонаси қoшида бошланғич партия ташкилотига асос солинган эди. Ўтган давр мобайнида ғоявий-сиёсий ишларни йўлга қўйиш борасида катта тажриба тўпланди. БПТ атрофида уюшган 16 нафар маслақдошлар эндиликда жамоа аъзоларига ҳам ҳар жойдан ўрнатилмоқдалар.



— Электорат манфаатини ҳимоя қилиш, иқтисодий-иқтисодий муаммоларни қонун доирасида ҳал этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини оширишга муносиб ҳисса қўйиш йўлида барча имкониятлардан фойдаланамиз, — дейди БПТ етакчиси Ҳаким Хусанов. — Президентимизнинг «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиз» номли маърузасини қайта-қайта ўқиб, O'zLiDeP электорати бўлган тadbirkorлар фаолиятини қўллаб-қувватлаш, улар учун янада қўлай шароитлар яратиш ҳар бир мутасадди ташкилот, энг аввало, партиянинг фаолларининг бурчи, асосий вазифаси бўлиши лозимлигини ҳис этдик. Бу борада муайян ишларни амалга ошириш зарур. Биз, биринчиси, бандликнинг ҳал қилиниши учун зарур ер ажратиш бериш ҳақидаги тақдирлар ҳар томонлама муҳокама қилинмоқда. Агар ана шундай тақдир ва тавсиялар мутасадди идоралар томонидан инобатга олинми, ижобий ҳал этилса, жойларда тadbirkorлик янада ривожланади.

— Истикдoл» ўқув-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари, партия фаолларидан бири Шарофат Рустамова ҳам аҳоли манфаатлари йўлида сидқидилдан хизмат қилмоқда. У хотин-қизларда тadbirkorлик ва ишбилармонлик кўникмаларини шакллантириш, партия аъзо-

лари сафини кенгайтириш, сиёсий ўқувларнинг самарадорлигини ошириш учун куч-ғайратини аямаятир. Ш.Рустамова етакчилик қилаётган фирмада ҳўнар ўрганган 30 дан зиёд хотин-қиз Нишлон пахта тозалаш ОАЖ ва Қарши магистрал каналдан фойдаланиш бошқармасида муқим иш билан таъминланганлиги ҳам эътиборга моликдир.

— Энг муҳими, БПТ фаоллари томонидан қўллаб-қувватлаш ташаббуслар ўртага ташланми, уларнинг ижроси таъминланмоқда. Шу асосда шаҳарчада қисқа муддат ичида 500 ўринли тўйхона, қариялар чойхонаси, янги савдо дўконлари, сартарошхоналар, «Гўзаллик саломи» ва бошқа кўплаб иш-ишоратлар фойдаланишга топширилди. Тadbirkor аёл София Жўраеванинг нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш цехи ҳам ўнга яқин ёшлар фойдали меҳнат билан банд.

Умуман олганда, талимаржонлик фаоллар O'zLiDeP Устави ва Дастуриларини келиб чиқиб, партия ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш орқали ислохотлар изчиллигини таъминлашга жиддий эътибор қаратишмоқда. Бу борада турли тарғибот-ташвиқот воситаларидан фойдаланилаётди. Ҳозиргача долзарб мавзуларда кўплаб учрашувлар, жонли мулоқотлар ташкил этилди. Партия фаоллари кўмаги ва ташкилотчилигида ёшларнинг никоҳ ва хатна тўйлари ўтказиб берилмоқда. Бу каби хайрли ишларда партия аъзоси, депутат Шўҳрат Норқобилов ҳам фаол иштирок этмоқда.

— Шаҳарчада ичимлик суви таъминоти ёмонлиги, чиқинди сув қувурлари ишламаслиги аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлаётган эди, — дейди депутат. — Мутасадди ташкилотлар билан келишиб, бир йил ичида шаҳарчада «Сувоқова» корхонасини ташкил этишга эришилди. Натижада сув таъминоти яхшиланди. 16 та янги иш ўрни яратилди.

Ҳақиқатан ҳам, фаоллик ва ташаббускорликда ҳикмат кўп. Талимаржонлик маслақдошлар бундан дилдан ҳис этиб, партиявий бурчага масъулият билан ёндашишмоқда. Эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўйиш, тарғибот-ташвиқот ишлари самарадорлигини янада ошириш уларнинг эзгу мақсадларидандир.

## Ҳаётимизни янада обод этиш маҳалладан бошланади

Юртбошимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиз» номли маърузасида жамиятнинг энг фаол қатлами, яъни мулкдорлар синфини шакллантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилгани O'zLiDeP фаолиятини янада такомиллаштиришни тақозо этади, албатта.

Абулфайз САЙИДАСКАРОВ, «XXI ASR»

Шундан келиб чиққан ҳолда, партия кўйи бўғинларида Юртбошимиз маърузаси чуқур ўрганилмоқда. Хусусан, Наманган вилоятидаги кардиология марказида ташкил этилган «Обод турмуш — фаровонлик кафолати» мавзусидаги давра суҳбатида ҳам «Муштақам онла йил» Давлат дастурининг ижроси бўйича эришилган натижалар чуқур таҳлил этилиб, келгусидаги вазифалар белгилаб олинди.

— Президентимиз маърузасида белгилаб берилган вазифа-

лардан келиб чиқиб, янги йил учун чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқишга киришилди, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши аппарати раҳбари Носиржон Абдуллаев. — Тўғри, жорий йилда фаолларимиз тadbirkorлик ва фермерликни қўллаб-қувватлашга доир қонун ва турли ҳуқуқий-меъриый ҳужжатлар ҳамда ҳудудий дастурлар ижросини таъминлаш, зарур тақдир ва тавсиялар беришда муайян натижаларга эришилди. Бироқ Президентимиз маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар моxияти янги йилда фаолиятимиз сифатини янада оширишни тақозо этади.

Зеро, 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилин-

гани бу борада тегишли чора-тадбирларни амалга ошириш, электорат манфаатларига доир қонун, фармон ва қарорлар мазмун-моxиятини кенг тарғиб қилишда асосан бошланғич ташкилотларга суяниш ва улар фаоллигини кучайтириш лозимлигини кўрсатапти.

— Жойларда ўтказилаётган учрашувлар Президентимиз маърузаси фўқароларимиз томонидан катта мамнуният билан қабул қилинганидан далолат бермоқда, — дейди Наманган вилоят кардиология маркази раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Солихон Мўминов. — Айниқса, 2013 йилнинг «Обод турмуш йили» деб эълон қилинган турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган эътибор янада кучайтирилишидан, янги йилда бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари изчил давом эттирилишидан далолатлар. Демак, O'zLiDePнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда партиянинг кўйи бўғинларида ҳам ана шундай ишлар олиб борилишини таъминлашимиз керак. Чунки Юртбошимиз

маърузасида маҳаллага эътибор қаратиш, унинг ободлигини таъминлаш зарурлиги алоҳида қайд этилган. Бошланғич ташкилотлар эса айнан маҳаллаларда иш олиб боради. Демак, кўйи бўғинга эътибор кучайтирилиши лозим.

— Янги йилда бошланғич ташкилотлар ва маҳаллий кенгаш депутатларининг ўзаро алоқаларини яхшилаш керак, — дейди Наманган шаҳар таълим, фан, маданият ходимлари касаб-уюшмаси қoшидаги БПТ раиси Муҳайёхон Ғафоров. — Чунки айнан ана шу бўғин O'zLiDeP учун жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазиятларнинг индикатори вазифасини ўтайди. Зеро, оддий партия аъзоларининг БПТларга, бошқача айтганда, партияга ишончи айнан ана шу бўғинда шаклланади.

Тadbirkor қатнашчилари муҳокама этилган масалалар ва уларнинг ечим юзасидан ўз мулоҳазаларини билдирдилар. Давра суҳбатида партияга қабул қилинган янги аъзоларга партия гувоҳномалари топширилди.

Advertisement for 'XXI ASR' newspaper. Text: Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида 2013 ЙИЛ УЧУН «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетасига обуна давом этмоқда. Мўҳаббат учун телефон: (8-371) 215-63-80

# ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХА

## Келажак депутатлари парламент мажлисида иштирок этади

«МУСТАҲҚАМ ОИЛА ЙИЛИ»ДА О'ZLIDER ТОМОНИДАН ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН «ПАРЛАМЕНТДА МЕНИНГ ЎРНИМ» ЛОЙИХАСИДА 12 МИНГДАН ЗИЁД ЯНГИ АВЛОД ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИЛАР

Шухрат РАХИМОВ,  
«XXI ASR»

Агар 2011 йилда ана шу лойиҳада 10 минг нафарга яқин ёшлар иштирок этган бўлсалар, бу йилги кўрик-танлов 12 минг нафардан ортиқ ёшларни ягона мақсад атрофида бирлаштира олади.

Жорий йилнинг октябр-ноябрь ойларида мазкур лойиҳа доирасида «Демократик ислохотларни чуқурлаштиришда парламент ва ёшлар мулоқоти», «Миллий парламентаризм — ёшлар нигоҳида», «Концепция — демократик ислохотлар гарови», «Қонунлар фаровон ҳаётимиз асоси», «Фуқаролик жамиятининг шаклланишида ёшларнинг ўрни» мавзуларида 60 дан ортиқ тадбирлар ўтказилди.

Айни пайтда 25627 нафар аъзони бирлаштириб турган Тошкент шаҳрида ҳам лойиҳа кутулган натижалар билан яқунланди. Рақамларга эътибор қаратсак, пойтахтдаги жами партия аъзоларининг 13702 нафарини ёшлар ташкил этаётганини кўрамиз. 938 та бошланғич ташкилотнинг 177 тасига ҳам 30 ёшгача бўлганлар етакчилик қилаётганлар. Кўрик-танловнинг Тошкент автомобиль ва йуллар институтида бўлиб ўтган шаҳар босқичи ҳам нажирон авлод вакиллари иштирок этишига хос байрамга айланди, десак, муболага бўлмайди.

Тадбирга йиғилган ёшлар иштирокида «Миллий парламентаризм ривожига ёшларнинг ўрни» мавзусида давра суҳбатлари ўтказилди, — дейди О'zLiDeP Тошкент шаҳар кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Масрура Хантова. — Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгаши депутатлари ўларнинг долзарб мавзулари маърузалари билан қатнашдилар.

Ҳақаман ҳаётига қарога кўра, биринчи ўринни Тошкент тўқимачилик ва ен-


гил sanoat instituti talabasi Sevара Худойберганава эгаллаган бўлса, Тошкент Ислам университети талабаси Феруз Холмуминов ва О'zLiDeP Учтепа туман кенгаши «Ёшлар қаноти» фаоли Замира Бешимовага иккинчи ва учинчи ўринлар nasib этиди.

Бухорода эса вилоят босқичида йўланма олган 28 нафар номзоднинг икки ой ишларида асосий эътибор депутатнинг жамият ҳаётидаги ўзига хос ўрни ва мавқеига қаратилганини кўриш мумкин. Номзодлар, шунингдек, ўз дастурларида жойлардаги айрим ҳаётий муаммо ва камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳам аниқ таклифларни илгари сурдилар. Хусусан, икки ой ишларида жамият бошқарувида нодавлат но-тижорат ташкилотлари ролини янада кучайтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, танловда номзодлар ўзлари истиқомат қилётган ҳудудлардан маҳаллий кенгашга сайланган депутатлар фаолиятига ҳолис баҳо бериш лашқарига эга эканликларини ҳам намойиш этидилар. Бу, айниқса, тадбирнинг энг фаол иштирокчилари — «Қамолот» ЕИХнинг Гиждувон туман кенгаши бўлими мудири Феруза Раҳматова, Бухоро давлат университети талабаси Хотам Қайилов, Когон саноат-транспорт коллежи талабаси Умид Халимовнинг чиқишларида яққол кўзга ташланди.

Яқуний натижаларга кўра фахри биринчи ўрин юқори балл тўплаган Бухоро Давлат университети ҳузуридаги академик-линей ёшлар Жасур Мустафоева берилди. Иккинчи ўрин Бухоро тиббиёт институти талабаси Жасур Жониевнинг, учинчи ўрин эса Когон саноат-транспорт коллежи талабаси Умид Халимовага nasib этиди. Улар энди кўрик-танловнинг республика босқичида иштирок этадилар.

— Бир кун келиб, депутатликка сайлансан, Бухоро шах-



ри ва туман марказларида коммунал хизмат кўрсатиш тизимини янада мукамаллаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратган бўлардим, — дейди танлов голиби Жасур Мустафоев. — Депутатлик гуруҳлари фаолиятидаги сингалган иш усуллари, жумладан, сайловчиларнинг оғзаки ва ёзма мувожазлари асосида амалга оширилган депутатлик сўровлари бу борда-яхши натижа беришига ишончмандим. О'zLiDeP лойиҳалари шу маънода ҳам биз — ёшларни мустақил ҳаётга тайёрлаш баробарида келгусида ўзимиз танлаган соҳанинг етуқ мутахассислари бўлиб етишишимизда ҳам муҳим ўрин тутди.

Танловда қатнашган ҳар бир ёш ҳақиқатан ҳам яқин келажакда халқ ишонган депутатларга айланишлари мумкин. «Парламентда менингни ўрним» лойиҳаси доирасида «Агар мен депутат бўлсам...» кўрик-танловнинг жойларда бўлиб ўтган қизиқарли тадбирларини таҳлил этиб, ана шундай фикр ҳаёдан ўтади. Танловнинг Навоий, Фаргона, Наманган, Бухоро, Сурхондарё ҳамда Қашқадарё вилоятлари ва-

киллари ҳақиқатан ҳам танловга пухта ҳозирлик кўриб, ўзларини бўлажак депутатлардек тутганлари бежиз эмас, албатта. Шу ўринда голибларнинг рамзий маънода «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати», «Халқ депутатлари вилоят кенгаши депутати», «Халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгаши депутати» номини-циялари буйича тақдирланганларини таъкидлаш лозим.

Бир сўз билан айтганда, «Ёшлар қаноти» ташаббуси билан ўтказилган ва минг-минглаб ёшлар бошини қовуштира олган мазкур лойиҳанинг вилоят босқичлари-га яқун ясалди. 21 декабрь кунини ушбу танловнинг республика босқичи бўлиб ўтади. Шу кунни келажакда депутатликка сайланиши мумкин бўлган «Ёшлар қаноти» фаоллари Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлислирида кузатувчи сифатида иштирок этиб, парламент, депутатларнинг назорат-таҳлил фаолияти билан танишадилар. Бу эса ўларнинг халқ депутатлиги фаолияти сари ташланган илк қадамларига айланиши мумкин.

Реклама ўрнида

### ЎЗБЕКИСТОН БАНКЛАРИ УЮШМАСИ ҲУЗУРИДАГИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДАГИ ИНВЕСТИЦИЯ ЛОЙИХАЛАРИ БЎЙИЧА ЛОЙИХА ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ ФОНДИ КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ЛОЙИХА ҲОЯЛАРИ БЎЙИЧА ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг усувор йўналишлари тўғрисида»ги 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438 ва «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февралдаги ПҚ-1474 сонли қарорлари ижросини таъминлаш ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг инвестиция лойиҳаларида иштирокни рағбатлантириш орқали улар учун янада қулай шартнолар яратиш мақсадида Ўзбекистон банклари уюшмаси ҳузурида инвестиция лойиҳалари буйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлашни молиялаштириш Фонди ташкил этилди.

**Фонд томонидан лойиҳа ҳоаялари ва уларнинг лойиҳа ҳужжатларини молиялаштириш тавло асосида амалга оширилади ҳамда республика тижорат банклари томонидан молиялаштирилишига кўмаклашилади.**

Танлов куйидаги йўналишларда ўтказилади: янги ишлаб чиқаришни ташкил этиш, жорий фаолият кўрсатаётган саноат корхоналарини модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда янгиллаш.

Танловга инвестицион жозибдорликка ва саноат соҳасида таътиқ этиш истиқболига эга, шунингдек, маҳаллий ҳомашё ва материаллардан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини кўпайтириш, сифатини яхшилаш ҳамда меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берувчи ва бошқа ҳоаялар қабул қилинади.

Танловда ўз лойиҳа ҳоаяларини ҳамда улар буйича лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаш ва молиялаштириш учун юридик шахслар иштирок этишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун куйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

Ариза (намунга буйича);  
Инвестиция таклифи (намунга буйича);  
Инвестиция таклифи паспорти (намунга буйича).  
Батафил маълумот учун:  
Тел: +(998 71) 238-69-07, +(998 71) 238-69-08;  
Web-site: www.fpd.uz;  
E-mail: pdf.fund@gmail.com.

Манзил: Тошкент шаҳри, 100027, Шайхонтоҳур тумани, Асадулла Ҳўжаев кўчаси, 1-уй.  
Ўзбекистон банклари уюшмаси биноси, 15-қават. Мўлжал: «Истиқдол» санъат саройи, «Бунёдкор» метро бекати.

1-илова

Лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқишни молиялаштириш юзасидан танлов буйича танлашда қатнашиш учун БУЮРТМАНОМА

1. \_\_\_\_\_  
(ташаббускор ташкилотнинг тулиқ номи ва манзили)

2. \_\_\_\_\_  
(тақдим этилаётган гоаявий лойиҳанинг тулиқ номи)

3. \_\_\_\_\_  
(Ф.И.О., алоқа телефонлари, факс, почта манзили, электрон почта)

4. Буюртманомга куйидаги ҳужжатлар илова қилинади:  
— Инвестиция таклифи;  
— Инвестиция таклифининг паспорти.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончилигига қафолат бераман.

Ташкилот раҳбари

(имзо, муҳр) (Ф.И.О.)

2-илова

Инвестиция таклифининг НАМУНАВИЙ ШАКЛИ

1. Лойиҳанинг номи;  
2. Лойиҳа ташаббускори тўғрисидаги умумий маълумотлар:  
номи ва реқвизитлари;  
асосий фаолият тури;  
асосий иқтисодий (ишлаб чиқарилиган маҳсулот (кўрсатилган хизмат)ларнинг, экспорт ва бошқаларнинг қиймати ва ҳажми) ҳамда молиявий кўрсаткичлари;  
3. Непетизда лойиҳани амалга оширилиши режалаштирилаётган корхона (мавжуд бўлганда) тўғрисидаги маълумотлар:  
корхонанинг номи ва реқвизитлари;  
асосий фаолият тури, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар турлари;  
охириги 3 йилдаги асосий иқтисодий ва молиявий кўрсаткичлари (асосий воситаларнинг қиймати, ишлаб чиқарилган ва экспорт қилинган маҳсулотлар ҳажми, товар айланмаси, соф фойда ва бошқалар);  
умумий ҳудуди ва бўш ишлаб чиқариш майдонлари;  
мавжуд муҳандислик таъминоти воситалари ва инфрамузилмас тўғрисидаги маълумотлар;  
кадрлар потенциали;  
4. Лойиҳа тўғрисида маълумотлар:  
4.1. Маркетинг:  
ишлаб чиқариш учун таъсия этилаётган маҳсулот, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишнинг прогноздаги ҳажми; дастлабки маркетинг таҳқиқотларининг натижалари, ички бозорда сотиш ва экспорт қилиш имкониятининг баҳоси; мамлакатда ва минтақада шу каби маҳсулотларнинг асосий ишлаб чиқарувчилари (мавжуд бўлганда); маҳсулотнинг сифат ва нарх кўрсаткичлари буйича рақобатбардошлигининг баҳоси.  
4.2. Ишлаб чиқариш:  
лоийҳанинг хом ашё ва бошқа материал ресурслар билан таъминланганлиги, уларнинг нархи, миқдори ва сифати буйича баҳоси;  
зарур бўладиган ходимлар сони.  
4.3. Қуриш, қайта тиклаш, модернизациялаш:  
инвестицияларини йўналтириш — янги қурилиш, қайта тиклаш, техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ёки бошқа йўналишлар.  
4.4. Молиялаштириш:  
лоийҳанинг тахминий қиймати, шу жумладан, қуриш ёки реконструкция қилиш қиймати;  
объектни фойдаланишга топширишнинг тахминий муддати;  
лоийҳани амалга ошириш учун ўз маблағларининг мавжудлиги ва қарз маблағларига бўлган эҳтиёж.  
5. Лойиҳани амалга оширишдан кутилаётган натижалар:  
купилаётган йиллик тушум ва соф фойда;  
экспорт ҳажми.

3-илова

Инвестиция таклифининг ПАСПОРТИ

(лоийҳанинг номи ва жойлашган жойи)

№ п/п	Кўрсаткичлар номи	Ўлчов бирлиги	Лойиҳа параметрлари	Изоҳ
1.	Лойиҳанинг умумий қиймати, шу жумладан:	минг долл.		
1.1.	миллий валютада	млн. сўм		
1.2.	хорижий валютада	минг долл.		
2.	Хорижий валютадаги харажатлар, ҳаммаси:	минг долл.		
2.1.	шу жумладан, жиҳозлар сотиб олиш учун	минг долл.		
2.2.	Қурилиш-монтаж ишлари учун	минг долл.		
3.	Миллий валютадаги харажатлар, ҳаммаси	млн. сўм		
3.1.	шу жумладан, асбоб-ускуналар харид қилиш учун	млн. сўм		
3.2.	Қурилиш-монтаж ишлари	млн. сўм		
4.	Ишлаб банд бўладиганларнинг тахминий сони	киши		
4.1.	шу жумладан, янги ташкил этиладиган иш ўринлари	киши		
5.	Лойиҳанинг тахминий қопланиш муддати, ҳаммаси	йил		
6.	Ҳар йили ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори, натура шаклида	ўлчов бирлиги	мувофиқ	
6.1.	шу жумладан, экспорт учун ўлчов бирлиги	мувофиқ		

## «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

Навоий филиали нархи ошириб тартибда ўтказилаётган аукцион савдоларига таклиф қилади

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.04.2012 йилдаги ПҚ-1743 сонли қарори 1-иловасига асосан Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг 29.10.2012 йилдаги 79-П буйруғи билан куйидаги давлат мулки объектлари кўйилмоқда:

1. Зарафшон шаҳри ҳудудидagi НКМК (Навоий кон-металлургия комбинати) балансида бўлган «Оазис» боғдорчилик жамиятига қарашли дала ҳовли (ёғи ошонаси билан), бошланғич нархи 116225233 сўм;
2. Зарафшон шаҳри ҳудудидagi НКМК балансида бўлган «обезвоживание коргуси», бошланғич нархи 81965500 сўм;
3. Зарафшон шаҳри ҳудудидagi НКМК балансида бўлган «Наврўз» савдо павильони, бошланғич нархи 8816893 сўм;
4. Зарафшон шаҳри ҳудудидagi НКМК балансида бўлган «Янгилик» савдо павильони, бошланғич нархи 18064891 сўм;
5. Навоий шаҳри ҳудудидagi виллоят қишлоқ ва сув ҳўжалиги бошқармаси балансида бўлган, қурилиши тугалланмаган «Б» биноси, бошланғич нархи 63280528 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 25 январь кунини соат 11-00 да Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уйда жойлашган Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармаси биноси мажлислар залига ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорларнинг аризалар 2013 йил 24 январь кунини соат 18-00 га қадар қабул қилинади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабдорлар лиқҳатига: 2013 йил 25 январьдаги аукцион савдосида соғинаган мулкларнинг тақрирвий аукцион савдоси 2013 йил 18 ва 15 февраль кунини соат 11-00 да бўлиб ўтади.

Савдога қатнашиш учун талабдорлар мулк бошлиқнинг баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ Навоий филиалининг кўрсатилган ҳисоб-рақамига ўтказишлари шарт. Х/р: 2020806040492751008, АТ - Илотекбанк Навоий филиали, МФО-00205, ИНН: 207126662. Савдо қилинига савдо кунини бошлаб 20 кун муддат ичун олд-сўз шартномасини имзолан шартлари қосатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун савдо таъкилотчи ва талабгор ўртасида закалат тўғрисидаги келишув имзоланади, шундан сўнг талабгор савдо таъкилотчи ва талабгор ўртасида закалат тўғрисидаги келишув имзоланади, шундан сўнг талабгор савдо таъкилотчи ва талабгор ўртасида закалат тўғрисидаги келишув имзоланади, шундан сўнг талабгор савдо таъкилотчи ва талабгор ўртасида закалат тўғрисидаги келишув имзоланади.

— Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — паспорт нусخаси;  
— хорижий фуқаролар — чет давлат миқдорий ёки дипломатик паспорти нусхаси;  
— Ўзбекистон Республикасида доимий яшайдиган ва яшаш гувоҳномасига эга шахслар — яшаш гувоҳномаси нусхаси;  
— Аукцион савдоси ўтказилиши тўғрисидаги хабарномада кўрсатилган банк ҳисоб-рақамига закалат пули тўлаётганини таъкидловчи тўлов ҳужжати нусхаси.

Аризаларни қабул қилиш ва қўшимча маълумотлар учун манзил:  
Навоий вилояти, Навоий шаҳри, П.Очилов кўчаси, 24-уй, Навоий вилоят давлат мулкни бошқариш бошқармаси биносининг 2-қавати, «CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ Навоий филиали.  
Тел: 224-68-33, расмий сайт: www.realtorgroup.uz

Лицензия № Рг-0017

### Ўзбекистон Республикаси Президентининг 25.04.2012 йилдаги ПҚ-1743 сонли қарори 1-иловасига асосан Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг 29.10.2012 йилдаги 79-П буйруғи билан куйидаги давлат мулки объектлари кўйилмоқда:

## КўРИК-ТАНЛОВ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазиравлар Маҳкамасининг тегишли фармойишига асосан мамлакатимизда Ёшлар хавфсизлиги ойлари ўтказилмоқда. Мазкур тадбир Наманган вилоятда ҳам юқори савидада ташкил этилди.

Ойлик давомда назорат-профилактика тадбирлари билан бир қаторда аҳоли ўртасида олиб борилган тағуштириш ишлари ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Вилоят ИИБ Ёшлар хавфсизлиги бошқармаси томонидан ёшларнинг ёшларига қарин қураш кўникмаларини шакллантириш, уларнинг фуқаролик бурчи ва масъулиятини ошириш мақсадида мактаб ўқувчилари ўртасида «Ёшлар хавфсизлиги — болалар тасавурида» кўрик-танловини ўтказилди.

Танловнинг вилоят босқичида шаҳар ва туманлардан сараланган 100 нафар ўқувчи иштирок этиди. Уларнинг ёшлар хавфсизлиги оид билемлари синодан ўтказилди, ушбу мавзуда чизган расмлари баҳоланди. Танлов давомда болаларнинг ёшлар хавфсизлиги қондаларига амал қилишда қандай муҳим оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳақидаги тасавуруларини янада кенгайтирди. — Ҳар йили Ёшлар хавфсизлиги ойлари доирасида мактаб ўқувчилари ўртасида турли танловлар ўтказилиши алоҳида таъкидланган, — дейди вилоят ИИБ Ёшлар хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси, майор Рустам Абдуллаев. — Ўқувчиларда ушбу танловларга қизиқини янгила-йилга ортаётгани кувонарлидир. Ҳолиялар фахрий ёриқ ва қийматбаҳо совғалар билан тақдирланди. (ЎЗА)



# Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи жамоаси

*барга юрпдошларимизни  
Янги йил айёми  
билан муборакбод эшадди.  
«Обод пуфмуш йили»да  
олдимизга қўйган  
эзгу мақсадларимиз  
пуғла рўёбга иққиб,  
халқимиз фаровонлиги  
янада ошишига пилакдошмиз.*



*Озод ва обод юрпимизни  
бахт-саодат ҳеё қалон парк эшмасин!*

# СЎНГГИ САҲИФА



ЎЗБЕК ЖАНГ САҲЪАТИ:

## Аждодларнинг авлодларга туҳфаси

МУСТАҚИЛЛИК йилларида мамлакатимизда ёшларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом этиб тарбиялаш, спортчиларимизнинг жаҳон майдонларида юксак марраларни эгаллаши, шунингдек, юртимизнинг дунёдаги обрў-эътиборини янада юксалтириш учун кенг қамровли ишлар амалга оширилди. КЕТМА-КЕТ ҚАД РОСТЛАГАН ЗАМОНАВИЙ СПОРТ ИНШОТЛАРИДА ТУРЛИ ЙЎНАЛИШЛАР БЎЙИЧА МУСОБАҚАЛАРНИНГ ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ АҲЪНАГА АЙЛАНДИ

Шўхрат ХЎЖАЕВ,  
«XXI ASR»

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида — ўзбек жанг санъати бўйича ўтказилган турнир ана шундай тадбирлардан биридир.

Маҳалла ёшлари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган ушбу мусобақанинг туман ва вилоятлар бўсқичларида жами 22 мингдан зиёд ўғил-қиз қатнашган бўлса, финал баҳсларида 56 нафар ёш спортчи иштирок этиди.

Эътиборлиси, халқимизнинг бир неча асрлик қадриятларию аънаналарини қайта тиклаш мақсадида 2009 йилда тузилган Ўзбек жанг санъати федерацияси қисқа фурсатда самарали ютуқларга эришди. Зеро, ўтган даврда Бутунжаҳон миллий жанг санъатлари уюшмаси (WoMAU), Бутунжаҳон яққаккураш спорт турлари ташкилоти (W.A.S.C.O) ҳамда Халқаро жанг санъатлари ассоциацияси (MAAI) каби нуфузли спорт ташкилотларига аъзо бўлган ЎЖСФ яққаккурашчилари дастлабки халқаро мусобақалардаёқ кўплаб совринли ўринларни қўлга киритдилар. Хусусан, Испанияда W.A.S.C.O йўналиши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионатида 4 та олтин, 5 та кумуш ва 1 та бронза медалига сазовор бўлган спортчиларимиз WoMAU томонидан Жанубий Кореянинг Чонг-Жу шаҳрида ўтказилган халқаро фес-

тивалда мутахассисларнинг юксак эътирофига сазовор бўлдилар.

Соғломлаштириш, қўл жанги, те-мурийлар жанг усули, жанг кураши ва матонат каби йўналишлари ўзига мўжассам этган ушбу спорт тури билан шуғулланувчилар сони йилдан-йилга ошиб бораётгани, айниқса, аҳамиятлидир. Бундай натижаларга осонликча эришилгани йўқ, албатта. Бинобарин, Ўзбек жанг санъати федерацияси ташкил этилганидан буён ёшларни жисмоний тарбия ва спортга кенгроқ жалб этиш ҳамда уларни четдан кириб келадиган турли маънавий таҳдидлардан асраш учун тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда тизимли тадбирларни ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан ҳамкорликда ЎЖСФ томонидан ташкил этилган мусобақа ҳам ана шу тадбирларнинг навабтадисиридир.

— 2012 йилнинг ўзида иккинчи мартаба ташкил этилган турниримизда қатнашган 11-12 ва 13-14 ёшли ўғил-қизлар ҳал қилувчи баҳсларда ўзбек жанг санъатининг шахсий беллашув, жамоавий комплекс машқ баҳслари ва те-мурийлар жанг усули йўналишлари бўйича совринли ўринлар учун кураш олиб бордилар, — дейди Ўзбек жанг санъати федерацияси раиси Пулат Усмонов. — Умидли спортчиларимизнинг галаба иштиёқиди ёниб турган кўзлария гиламда намойиш этган

ажойиб ҳаракатларини кўриб, очиги, спортимиз ва юртимиз келажаги ишончли кўлларида, деган тўхтамаг келадиги киши. Айнан ана шундай ёшлардан Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қила оладиган етук спортчилар этишиб чиқадиги, десак муболага бўлмайдиги.

Мусобақаларда қайд этилган натижаларга тўхталар эканмиз, қизқаркли беллашувлар якунига кўра, шохсуланинг юқори погонасига кўтарилганлар орасида юртимизнинг чекка туманларидан келган спортчилар кўпчилигини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш лозим. Хусусан, ўғил болалар ўртасида ўтказилган беллашувларда қашқадарёлик Аҳмад Самиев, Жавоҳир Қадрамонов, сурхондарёлик Даврон Қаршиев, наманганлик Муҳаммад Абдулбоқиев, Ислам Жакбаралиев, самарқандлик Шавкат Бахромов, навоййлик Наврўз Абдумўминов ва жиззахлик Умид Расулов ўш йўналишлари бўйича ғолибликни қўлга киритган бўлсалар, қизлар баҳсида наманганлик Муниса Хўшназарова, андижонлик Моҳинур Аҳмаджонова, қашқадарёлик Малика Чориева, Маърифат Шамсиева, бухорлик Мафтуна Тўйева, навоййлик Мунира Хўжакулова, сурхондарёлик Бону Шамсиддинова ва хоразмлик Тумарис Қадимбоевага тенг келадиганлар топилмади.

Турнир якунида ташкилотчилар томонидан совриндорлар ва фол жамоаларга диплом, медал ва қимматбаҳо совғалар топширилди.

### ХўЛ БЎЛМАЙДИГАН ПУЛЛАР

Буюк Британия ҳукумати 2015 йилдан бошлаб қоғоз пулли банкнотлардан воз кечиби, пластик купюраларни муомалага чиқаришга қарор қилди. Унга кўра, янги купюралар узоқ муддатга мўлжалланган ва намиқшидан ҳимояланган бўлиби, уларни қалбақлаштириш ўта мураккаблашади. Аммо мамлакат молия институти раҳбарияти Буюк Британияда қоғоз купюраларнинг ишлатилиши афзалроқ эканини таъкидламоқда. Эслатиб ўтамиз, пластик купюралар илк бора 1988 йилда Австралияда муомалага киритилган. Қоғоз банкнотлардан воз кечган мамлакатлар қаторида, шунингдек, Янги Зеландия, Руминия, Папуа-Янги Гвинея, Мексика ва Вьетнам бор.



### «CHEVROLET LACETTI»-НИНГ ЯНГИ КЎРИНИШИ

Хабарларга қараганда, мамлакатимизда келаси йил кузда «Chevrolet Lacetti» автомобилнинг янгилиган нусхаси сотувга чиқарилади. bibi.uz веб-сайтида маълум қилинишича, янги автомобилнинг олди чироқлари, бампери, олд мотор қопқоғи ва қанотлари ҳамда орқа қисмига ўзгартиш киритилади. Мутахассислар томонидан маъзур автоуловдаги яна бир ўзгариш мамлакатимизда йирилган, еиго-5 стандартига мос келувчи 1,5 ҳажмли мотор экани айтилмоқда. «Chevrolet Lacetti» автомобилнинг янги модели нафақат юртимизда, балки МДХ давлатлари ҳам сотувга чиқарилади.

### ГИЛАМДА «ҚОР ПАРЧАЛАРИ»



Пойтахтимизда бадий гимнастика бўйича аънанавий «Қор парчаси – 2012» республика турнири якунланди. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида соғлом авлодни воғга етказишнинг муҳим омили сифатида хотин-қизлар ўртасида спортни оммалаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан 2005 йилдан буён ўтказиб келинаётган «Қор парчаси» республика турнири юртимизда бадий гимнастикани ривожлантириш, қизларни спортга кенг жалб этишга хизмат қилмоқда. Бу йилги мусобақада 2000-2007 йилларида туғилган қизлар ғолиблик учун куч синашди. 90 нафарга яқин қиз иштирок этган мусобақада Нигора Раимова, Зулфия Исроилова, Татьяна Ким, Айде Гасанова, Полина Тэн каби бадий гимнастикачилар маҳорати юқори баҳоланди. — Бугунги мусобақада ғолиб бўлганимдан хурсандман, — дейди Диана Абдувоҳидова. — Эндиги орузим — Ўзбекистон чемпиони бўлиш.

Байрам АЙТМУРОДОВ, Ўза муҳбири.

### ЎЗБЕК ТЕКСТИЛИ АМЕРИКАНИ ҲАМ ЗАБТ ЭТАДИ

Миллий матбуот марказида «Ўзбекенилсаноят» Давлат акциядорлик компанияси мутахассислари 2012 йилда тизим таркибидаги корхоналарга киритилган хорижий инвестициялар ҳақида журналистларга батафсил маълумот бердилар. Анжуманда таъкидланганидек, компания тизимидаги 290 та корхонанинг 156 таси Жанубий Корея, Ҳиндистон, Сингапур, Германия, Швейцария, Италия, Япония, АҚШ каби хорижий давлатларнинг сармоядорлари билан ҳамкорликда ташкил этилган. Истиклол йиллари тармоққа жами 1,9 млрд. АҚШ доллари миқдориди инвестиция жалб этилиб, компания тизимидаги корхоналарда ишловчилар сони салкам 70 мингга етган. Жорий йил охиригача эса умумий қиймати 194,8 млн. АҚШ долларига тенг 28 та инвестицион лойиҳанинг тўлиқ амалга татиб этилиши натижасида 3,7 мингта қўшимча иш ўрни яратилди. Маълумотларга кўра, мамлакатимиз тўқимачилик корхоналарида ишлаб чиқарилган маҳсулотлар МДХ, Европа ва Яқин Шарқ мамлакатлари ҳамда Жанубий Кореяга экспорт қилинмоқда. Яқин истиқболда эса Америкага ҳам тайёр маҳсулотлар экспорт қилиш режалаштирилган.



**Чумли Ниначига дакки берайтми:**  
— Таралло-беод қилиб юрмасдан қиш тамши есанг-чи.  
Ҳадемай совуқ тушиб қолса, ҳолинг нима кечади?  
Ниначи ергайиб жавоб берди:  
— Ишинг бўлмасин, гидрметеоролог танишим бор, совуқ тушишидан бир ой олдин хабар беради, улдураман.



Тўрт мавсум ҳам ўз вақтида ташриф буюрадиган жаннатмакон юртимизда айна пайтда қиш фасли меҳмон бўлиб турибди. Кумуш қишининг қировли кунларида об-ҳаво маълумотларидан хабардор бўлиш эса зини келтирмайди. Гидрметеорология марказидан хабар берилишича, 20 декабрдан 27 декабрга қадар мамлакатимизда ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёгингарчилик кузатилади. Коракалпоғистон ва Хоразм вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Фақат 22-23 декабрь кунлари айрим жойларда ёгингарчилик кузатилиб, туман тушиши эҳтимоли бор. Фарбадан 7-12 м/с тезликда шамол эсиб, ҳарорат кечаси 5-10 даража совуқ, кундузи 3 даража совуқ, 2 даража илқ бўлади. Келаси ҳафтанинг пайшанба, жума кунлари кечаси ҳаво ҳарорати янада пасайиши мумкин. Бухоро ва Навоийда ҳам ҳафта давомида ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 3-8 даражагача илқ бўлади. Республикамизнинг жанубий ҳудудлари Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, айрим жойларда ёгингарчилик кузатилиб, туман тушиши мумкин. Ҳарорат кечаси 3 даража совуқ, кундузи 5-10 даража илқ бўлиши кутилмоқда. Пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида, шунингдек, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё, Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятларида ҳаво ўзгариб туради, ҳафтанинг ўрталарида айрим жойларда ёгингарчилик бўлади. Ҳарорат кечаси 3-8 даража совуқ, кундузи эса 0-5 даража илқ бўлади.

### ҚИШ ЎЗ ВАЗИФАСИНИ АДО ЭТМОҚДА

Республикамизда ҳаво ҳароратининг бу қадар кескин пасайиб кетишига Сибирдаги муз циклонга ҳам ўз таъсирини таъкидланмоқда. Айниқса, қишқи Қозғоғистонда аёли кунлар кўчироқ сезилмоқда. Ўтган ҳафтада Қарағандада термометр устуни -38,4 га, Жезказғандада -33,9, Павлодарда -45,2, Қизилўрдада эса -26,7 даражагача тушиб кетди. Мамлакат пойтахти Остонанинг метеорологик тарихида ҳам янги рекорд қайд этилиб, бу ерда ҳаво ҳарорати -40,6 даражагача пасайиб кетган. Мутахассисларнинг фикрича, республикамизнинг айрим ҳудудларида ҳам ҳарорат -21,6 дан -21,8 даражагача тушиб кетган.

**НОВО-ПАССИТ**  
Табиий тинчлантирувчи восита

Хаётингизга хотиржамлик олиб келади!

Мы делаем здоровье доступным во всем мире

Устраняет дефицит йода  
Повышает иммунитет  
Улучшает память и внимание

BERLIN - CHEMIE MENARIN

**XXI ASR**  
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

TADBIRKORLAR VA ISHBLARMONLAR HARAKATI  
— O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Муҳаммадосиф ТЕШАБОВЕВ, Абдурашид ЖУРАБОВЕВ, Алишер ШАЙХОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Баҳодир ҒАНИЕВ, Зайдулла УБАЙДУЛЛАЕВ, Илком НАСРИЕВ, Муҳлик АҚРАМОВА, Раҳим ОХУНОВ, Шўхрат НОРИТОВ, Шўхрат ОРИПОВ, Эркин ТОШЕВ, Қиём НАЗАРОВ,  
ТАХРИРИЯТ: Ошод РАҲАБОВ, Марж КЎСЎЛОВ, Зумрад АБДРОБОВА, Шаҳнода НАЗАРОВ, Сайфулла ИКРОМОВ, Асқор ИСТАМОВ, Темир АБДУРАҲМОНОВ,  
ТОИР МИРХОДИЕВ, Насир ТОШЕВ, Шўхрат ОХУНЖОНОВ,  
БОШ МУХАРРИР: Миродил АБДУРАҲМОНОВ, МАТН ТЕРУВЧИ: Раъно АБДУАЛИМОВА,  
БЎЛИМЛАР: Котибиёт — 281-40-17 (тел./факс), Партия туруши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, Қўбунжон 215-63-80 (тел./факс).  
ТАХРИРИЯТ МАЎДИИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-й. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: axborot@xxi.asr@mail.ru, xxi.asr@mail.ru, xxi.asr@mail.ru  
«XXI ASR»-дан олдинги маълумотларда манба сифатида газета номини кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нукти назаридан фарқ қилиши мумкин.  
«Ўзбекистон» НММУ Босмақонасида чоп этилди. Корхона маъноси Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

МУАССИС: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати - Ўзбекистон Либерал-демократик партияси «XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июлда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.  
Буюртама рақами: J 6025. Тираж: 12 516  
Басма қилинган нурда  
Тошкентда — 2050

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2381-497X

9 772381 497007

Навбатчилар:  
Н.ТОШЕВ, Ш.РАҲИМОВ.